

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 18 » январь 2019 у.

№ 46

Toshkent sh.

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети таркибида Ўзбек-Беларусь қўшма ахборот технологиялари
факультетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровлн ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш ва реал сектори тармоқлари учун юқори малакали, ҳалқаро миқёсда рақобатбардош кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, шунингдек, олий таълим тизимида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Беларусь Республикасининг Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университетининг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (кейинги ўринларда университет деб аталади) таркибида 2019/2020 ўкув йилидан бошлиб Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети (Беларусь Республикаси) билан ҳамкорликдаги Ўзбек-Беларусь қўшма ахборот технологияларини факультетини (кейинги ўрииларда факультет деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Куйидагилар факультетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика иқтисодиётининг реал сектори тармоқлари учун ахборот технологияларининг дастурий таъминоти, мобил тизимларни дастурлаш, сунъий интеллект соҳалари бўйича малакали мутахассисларни, илмий, илмий-педагогик кадрларни ҳалқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

ахборот технологияларининг дастурий таъминоти, мобил тизимларни дастурлаш, сунъий интеллект соҳалари бўйича ҳамда иқтисодиётининг бошқа тармоқларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш;

ахборот технологиялари соҳасида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ташкил этиш ҳамда таълим бериш;

юқори малакали мутахассислар ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги тамойиллари, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига интеграциялашиш асосида ривожлантириш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари, ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда бизнес-ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

факультет кадрларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган университет таркибий бўлинмаси ҳисобланади;

факультетда талабаларни ўқитиш тўлов-контракт асосида рус тилида, кундузги таълим шаклида Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари инобатга олинган ҳолда университетнинг Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети билан қўшма таълим дастурлари асосида амалга оширилади;

факультетга абитуриентларни талабаликка қабул қилиш ва факультет битиравчиларининг аттестацияси Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университетида белгиланган тартиб, талаб ва муддатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади;

факультетда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул квотаси кадрларга бўлган замонавий талаб ва эҳтиёждан келиб чикиб, университет ва Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади;

факультетнинг бошлангич фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унга ажратилган бино ва инишоотларни жорий таъмирлаш ишлари ва жиҳозлаш (мебель, компьютер техникаси, ўкув адабиётлари ва бошқа моддий-техника воситалари харид қилиш) билан баглиқ харажатлар университетнинг бюджетдан ташкари маблағлари ҳисобидан молиялаширилади;

факультетда ўқиш учун тўлов-контракт маблағлари миқдори миллий валютада тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг базавий тўлов-контракт суммасидан кам бўлмаган миқдорда университет ва Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади;

факультет битирувчилариға Ўзбекистон Республикаси ҳамда Беларусь Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган, ўзаро келишув асосида белгиланган намунадаги икки томонлама тан олинадиган университет ҳамда Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети дипломлари берилади;

факультет фаолиятини молиялаштириш уинверситетта талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишидан тушадиган маблаглар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, тегишли шартномалар асосида манфаатдор ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган грантлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

4. Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университетидан факультетнинг ўкув жараёнига жалб қилинган профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва хизмат сафари харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини яида ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар:

факультетга университет ҳудудидаги бинолардан мос жой ажратилишини;

факультет профессор-ўқитувчилари таркиби касбий педагогик маҳоратга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини, шунингдек, нуфузли хорижий олий таълим ва илмий муассасаларда таълим олган, малака оширган, илмий даражаларни ҳимоя қилган иқтидорли педагог кадрлар ҳамда амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб қилинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги университет буюртманомалариға биноан факультетни ташкил этишда ва уининг фаолиятида иштирок этадиган хорижий профессор-ўқитувчилар, илмий ва раҳбар ходимларнинг республикага жалб этишга рухсатномалар белгиланган тартибда берилishiшини (муддати узайтирилишини), шунингдек уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш хукуқига тасдиқномалар берилishiшини (муддати узайтирилишини) таъминласи.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 24 июлдаги 569-сон қарорига 1-илованинг матни иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси
аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири




А. Арипов



Вазирлар Махкамасининг
2019 йил “18” январдаги 46 -сон қарорига
илова

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг ТУЗИЛМАСИ



Университет (факультетлар, кафедралар ва бошка таркибий бўлинималар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгилашган нормативларга мувофиқ аникланади.

*) Университеттинг бюджетдан ташкари маблаглари хисобига таъминланади.

**) Жамоатчилик асосида фаолият юритади.